

**ХУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРНИ ЎҚИТИШДАГИ ЯНГИ ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МУЗЕЙЛАР  
АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Маматкулов Камолиддин Галабаевич**

Тадқиқотчи

**Абдурасулов Мухаммадқодир**

Андижон вилояти юридик техникуми ўқитувчisi.

**Аннотация:** Мақолада ўқувчи-талабаларга билим беришда таълим сифатини кўтариш, уларнинг билим олишларида янги замонавий методлардан фойдаланиш, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда таълим бериш жараёнини такомиллаштириш ва келажак авлоднинг илм-фанга бўлган интилишларини янада оширишдаги масалар хусусида сўз юритилган..

Хозирги кунда таълим тизими ва уни ривожлантириш масалалари ва ўқувчи-талабаларга хуқуқий билимларни ўқитишининг самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар билан бирга сайёр дарсларни ўтиш жойи аҳамияти ва бу жараёнда музейларнинг ўзига хос хусусиятлари хақида фикр билдирилган.

**Калит сўзлар:** таълим, педагогик, технологиялар, методлари, ўқувчи, талаба, ўқитувчи, музей.

**THE SIGNIFICANCE OF MUSEUMS AND THEIR CHARACTERISTICS  
IN THE IMPLEMENTATION OF NEW PEDAGOGICAL  
TECHNOLOGIES IN TEACHING LEGAL KNOWLEDGE**

**Kamoliddin Mamatkulov**

Researcher

**Abdurasulov Muhammadqodir**

Andijan Region Law shool Teacher for law

**Abstract:** The article discusses the quality of education in the transfer of knowledge to students. rise, from new modern methods in their education use, training using the experience of developed countries improve the process of giving and the science of the next generation talked about the issues of further raising their aspirations.

At present, the education system and issues of its development and Pedagogical in improving the effectiveness of teaching students legal knowledge expressed the importance of accommodating visiting classes along with technology and the unique characteristics of museums in this process.

**Keywords:** education, pedagogy, technology, methods, pupil, student, teacher, museum.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада ривожлантириш борасида, юртимизнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий тараққиёт босқичини юксалтириш, халқаро майдонларда Янги Ўзбекистонни намойиш этиш, ютуқларга эришган хорижий давлатларнинг барча соҳалардаги ютуқларини ўрганиш ва амалиётимизга ўзларишириш учун қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш зарур. Бунинг учун қонунчилик тизимини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий билимини янада ошириш керак. Шу боис таълим соҳасини ривожлантириш, унинг халқаро стандартларга мослаштириш билан бирга жамиятимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимларни шакллантириш. Ёшлар онгидага ҳам ҳуқуқий билимларни ўрганишга қизиқишини ривожлантириш, таълим тизимида унинг назарий ва илмий асосларини

такомиллаштириш билан бирга талаба-ёшларни хуқуқий билимларни ўрганишга йўналтиришнинг кучли таъсир кўрсатувчи воситаларини топишга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хуқуқий билимларни оширишга қаратилган хуқуқий асослар ҳам яратилмоқда. Шунингдек, олий таълимда бўлажак кадрларни хуқуқий фанларни ўқитишида самарадор педагогик технологиялари ва методологиясини чуқур ўрганиш педагогик технологиялар ва методлари имкониятларидан кенг фойдаланиш, унинг педагогик шарт шароитларини оширишга доир вазифалар долзарблик касб этмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг замонавий тизими таҳлили ўқитувчилар тайёрлашга янгича ёндашувларни излаш зарурлигини кўрсатади. Чунки кадрлар тайёрлашдаги муаммолар ва ўқитиши методикасининг эскилиги кучли мутахассислар тайёрлашдаги асосий тўсиқ бўлмоқда. Шу боис таълим сифатини ошириш, бу орқали кадрлар тайёрлашда янги босқичга чиқиш ва уларни зарурий компетенсиялар билан қуроллантириш долзарб вазифалардан биридир.

Фанларни ўқитишида дарс жараёнидаги жойлар ҳам аҳамият касб этади.Юридик маҳсус фанларни ўқитишида сайёр дарсларни суд,прокуратура,адлия ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биноларида ўтказилади.Умумий хуқуқни ўқитишида мавзуга доир музейлар экспозициясида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.Музейларда сайёр дарсларни ўтиш аҳамияти нимада?

1). Чунки музейларга кириш учун маҳсус рухсат керак эмас.2).Мактабгача таълим босқичидан то олий таълимдан кейинги босқичга қадар маҳсус экспозиция ва экспонатлар орқали хуқуқни ўрганиш мумкин.3).Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биноларида вояга етмаган ўқувчилар руҳиятига таъсир қилувчи ҳолатлар бўлиши мумкин.Юқоридаги каби бошқа ижобий тарафларни инобатга олиб хуқуқни ўргатишга музейлар фаолиятини ўзига хусусиятларини намоён этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, дарс жараёнида педагогик методлари ва технологияларни кўллаш билан бирга сайёр дарсларни ўтказилган жойлардан олинган тассуротлар ўқувчи-талабаларда илмий изланишга қизиқишини уйғотади,ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим ва қўникмалар амалиётда ҳам тадбиқ этилади. Бунинг учун ўқитувчи маҳоратли ва ижодкор бўлиши,мавзунинг мазмунига қараб дарсни тўғри режалаштириши,дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни ўз дарсига фаол катнашишига эришмоғи керак.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

- 1.. "Ўзбекистон Республикаси"Музейлар тўғрисидаги"Қонун.www.Lex.uz
- 2.Педагогическая технология.<https://www.google.com>
- 3.Педагогические технологии. Технология организаций развивающей деятельности. <https://lib.nspu.ru/umk/d46f0ee95c19b2ba/t4/ch1.html>